

Тижорат моллари закоти | Фикҳ дарслари (302-дарс)



19:00 / 10 октябрь 424

Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

كَسَبْتُمْ مَا طَيَّبْتِ مِنْ أَنْفِقُوا ءَامِنُوا الَّذِينَ يَتَأَيُّهَا

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан инфоқ қилинглр», деган (267-оят).

يَفُتَلَزَنُ دِهَاجُ مَلَأَقِ
رَاجُ تَلَا

«Мужоҳид: «Ушбу оят тижорат ҳақида нозил бўлган», деган».

Бу ояти каримани зикр қилиш билан тижорат молларидан закот бериш вожиб эканига далил келтирилмоқда.

يَضْرِبُ دُنُجًا نَبَّهَ رُمَّسًا نَع
نِإْفٌ، دُعَبُ أَمَّا: لَأَقُ هُنَّعُ هَلَلَا
هَلَلَا يَلَّصُ هَلَلَا لُؤَسَّرُ
نَأْ أَنْ رُمَّأَيَ نَأَكَّ مَلَّسَوِ هَيْلَعُ
دِعْنُ يَدَّلَا نَمَّهَ قَدَّصَلَا جُحْنُ
دُوَادُ وَبَأُ هَأَوْرُ عِيَبَلَلُ

Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Аммо баъду, шубҳа йўқки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи
васаллам бизларни савдо учун тайёрлаб қўйган нарсаларимиздан
садақа чиқаришимизга амр қилар эдилар».**

Абу Довуд ривоят қилган.

Набийимиз соллаллоху алайҳи васалламнинг амр қилишлари ҳам савдо
молларидан закот бериш фарз эканига далилдир.

هُنَّعُ هَلَلَا يَضْرِبُ رُمَّسًا نَع
هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ يَبْنَلَا نَع
لِبِإِلَا يَفُ» لَأَقُ مَلَّسَوِ

مَنْ عُلَا يَفَو ، اَهُتَقَدَص
رَقْبُلَا يَفَو ، اَهُتَقَدَص
زَبُلَا يَفَو ، اَهُتَقَدَص
يَنْطُقِرَادِلَا هَاوَر . «هُتَقَدَص
هَحَّصَو مُكْأَخْلَاو

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Туянинг ўз садақаси бор, қўйнинг ўз садақаси бор, қорамолнинг ўз садақаси бор, кийим(мато)нинг ўз садақаси бор», дедилар».

Дорақутний ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ деган.

«Кийим(мато)»дан мурод кийим (мато) тижоратидир, у эса ҳамма тижорат молларига далолат қилади.

Саҳобаи киромлар, тобеъинлар ва салафи солиҳнинг барчалари тижорат молларидан закот чиқариш фарз эканига ижмоъ қилишган. Муслмон умматининг адо этиши ҳам фарз амал ҳисобланади.

ذُبَعِ نُبِ نَمُحَّرِلَا ذُبَعِ نَع
تُيَبِ يَلَعُ تُنُكْ : لَأَقِي رَاقُلَا
بِاطْخُلَا نُبِ رَمُعَ نَأْمَزِلَا

عَمَجُءَاطْعُلَا جَرَحَ إِذَا نَاكَفَ
أَبَسَحَ مُثِّ رَجَّتْ لَأَلْأَوْمَ أ
دَخَأُ مُثِّ ، أَدِدَهَ أَشَوَ أَوَبِئِئَاغَ
نَعَلْ أَمْلَا دِدَهَ أَشَوَ نَمَ ةَأَلْكَزَلَا
دِدَهَ أَشَلْ أَوَبِئِئَاغَلَا

Абдуррахмон ибн Абдул Қорийдан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттобнинг даврида Байтулмолга масъул бўлган эдим. У қачон ато чиқса, тожирларнинг молини, ҳозиринию ғойибини ҳисоб қилар, сўнгра ҳозиридан ҳозирининг ҳам, ғойибининг ҳам закотини олар эди».

ذُبَعَوُ دَمَحَ أَوْيَعُ فِأَشَلْ أَا جَرَحَ أ
يَبَأُ نَعُ يَنْ طُقَرَادَلْ أَوَقِ أَزْرَلَا
هَنَأُ هَيَبَأُ نَعُ ، سَأَمَحَ نَبَ وَرْمَعُ
مُدَّالْ أَعِيَبَأُ تَنْكَ : لَأَق
نَبَ رْمَعُ يَبَ رْمَفُ ، بَأَعَجَلْ أَو
ةَقَدَصِّ دَأُ : يَلَلْ أَقَفُ ، بَأَطْخَلَا

رِيْمَ أَيُّ تُتْلُقَفَ ، كَلَامِ
، مُدَّالِ يَفَ وَهُ أُمَّنَا ، نِيْنِ مُمْلَا
جَزْخَ أَثْهُ مَّوَقَ : لَأَقَفَ
. هَتَقَدَصَ .

Шофеъий, Аҳмад, Абдурраззоқ ва Дорақутний Абу Амр ибн Ҳамас ва унинг отасидан ривоят қилишича, у қуйидагиларни айтган:

«Тери ва ўқдон сотаётган эдим. Умар олдимдан ўтаётиб, менга:

«Молингнинг закотини адо қил», деди.

«Эй мўминларнинг амири, тери, холос», дедим.

«Қийматини ўлчаб, сўнгра закотини адо қил», деди».

يَفِ قِزْرًا ذُبَعِ يَوْرٍ
هُنَّ أَرْمَعِ نَبَانَعِ «هِفَّ نَصْمُ»
رَأْدِي لَأَمْلُكَ يَفِ : لُوقِي نَأَكِ
زَبِّ وَأَبَّأَوْدُ وَأُ ، دِيْبَعِ يَفِ
. هِيْفُ ءَأَكْزَلَا رَأْدَتْ ، ءَرَأَجَّتْ لَلِ
مِاعْلُكَ

Абдурраззоқ «Мусаннаф»ида Абдуллоҳ ибн Умардан қилган ривоятда у киши:

«Қуллар, ҳайвонлар ёки кийимлар тижоратида айлангириб туриладиган молда ҳар йили закот бор», деганлар.

Бунга ўхшаш ривоятлар жуда ҳам кўп. Хулоса қилиб айтилганда, мусулмонлар жумҳури тижорат молларида закот борлигига иттифоқ қилганлар.

Тижорат энг кўп ва кенг тарқалган касблардан бўлиб, мол топиш ва пулни ишлатишнинг машҳур йўлларида биридир.

Ислом дини ҳалол-пок йўл билан тижорат қилишга тарғиб қилган. Тижорат мол топишнинг энг қулай манбаларидан биридир. Тожирлар миллион ва миллиардлаб сўмларини тижорат моллари билан банд қиладилар. Уларнинг ичида мискинларнинг ҳаққи бўлмиш закот бўлмаса, тожирлар пулларида тижорат моли олиб қўйиб, закот бермай юравердилар.

Уламоларимиз тижорат молларини «фойда кўриш мақсадида олди-сотди учун тайёрлаб қўйилган нарса» деб таъриф қилганлар.

Демак, пул бирлигидан бошқа, тижорат учун тайёрлаб қўйилган асбоб-ускуна, турли матоҳлар, кийим-кечак, озиқ-овқат, тақинчоқлар, ҳайвонлар ва бошқа нарсалар тижорат моллари ҳисобланади. Ким ўша нарсалардан тижорат учун тайёрлаб қўйса, уларга бир йил тўлса, уларни пулга чаққанда қиймати нисобга етса, закот бериши фарз бўлади. Закотга қийматнинг икки ярим фоизи чиқарилади.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.